



Ленин мусулмонларга нима ваъда килган эди?

Муаллиф:

08.09.2023 23:40 - Янгиланди 08.09.2023 23:51



Хозир галати туюлади, лекин бир пайтлар Совет Россиясининг асосчиси Владимир Ульянов (Ленин) мусулмонларни биродарлар деб атаган ва уларга "эътикод ва урф-одатларини" саклашга ваъда берган.



Хозир галати туюлади, лекин бир пайтлар Совет Россиясининг асосчиси Владимир Ульянов (Ленин) мусулмонларни биродарлар деб атаган ва уларга "эътикод ва урф-одатларини" саклашга ваъда берган.

СССРда диний маросимларни бажариш маъкулланмасди, аммо бундай вазият бирдан шакланмаган. Хаммаси бошқача бошланган. 1917 йил 20 ноябрда Халк Комиссарлари Кенгаши раиси Владимир Ленин ва Миллий ишлар бўйича Халк комиссари Иосиф Жугашвили (Сталин) томонидан имзоланган ҳужжат нашр этилди, унда мусулмонларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари "инкилобнинг бор кудрати" билан ҳимояланган. "Россия ва Шарқнинг меҳнатқаш мусулмонларига мурожаат" большевикларнинг етакчи газеталарида чоп этилди ҳамда араб ва Озарбайжон тилларига таржима килинди. "Ўртоқлар! Биродарлар!" икки раҳнамо ўз мурожаатини шундай бошлаган. "Россия мусулмонлари, Волга бўйи ва Крим татарлари, Сибир ва Туркистон киргизлари ва сартлари, Кавказorti турклари ва татарлари, Кавказ чеченлари ва тоғлик халклари, масжидлари ва ибодатхоналари вайрон килинган, эътиқодлари ва урф-одатлари Россиянинг подшоҳлари ва золимлари томонидан оёқ ости килинганларнинг барчаси!

Бундан буён сизнинг эътикод ва урф-одатларингиз, миллий ва маданий муассасаларингиз эркин ва дахлсиз деб эълон қилинади.

Миллий ҳаётингизни эркин ва тўсиқларсиз тартибга солинг. Сиз бунга ҳақлисиз.

Билингки, Сизнинг ҳуқуқларингиз, ҳудди Россиянинг барча халқлари ҳуқуқлари каби, инқилоб ва унинг органларининг бор қудрати, ишчилар, аскарлар ва дехконлар депутатлари Советлари томонидан ҳимоя қилинади", - дейилганди инқилоб ва инқилобий ҳукуматни қўллаб-қувватлаш сўралган мактубда.

Бундан ташқари, мусулмонларнинг маълум бир қисмининг ҳайрихоҳлигини қўлга киритиш учун Ленин ва Сталин унга кўра Биринчи жаҳон урушидан кейин Константинопол (ҳозирги Истанбул) Россия империяси назорати остига ўтиши керак бўлган маҳфий Англия-Франция-Россия шартномаси йиртиб ташлангани ва йўқ қилингани, шаҳарнинг ўзи "мусулмон қўлида қолиши керак"лигини эълон қилди. Ҳудди шу нарса Форс (Эрон) ҳақида ҳам айтилган бўлиб, уни бўлиб ташлаш ҳақидаги шартномани большевиклар йўқ қилинган деб айтишган ва "форсларга ўз тақдирларини эркин белгилаш ҳуқуқи қафолатланади" деб ваъда қилишган.

"Шарк мусулмонлари, форслар ва турклар, араблар ва ҳиндлар, уларнинг боши ва мол-мулки, озодлиги ва ватанлари юзлаб йиллар давомида Европанинг очкўз йирткичлари томонидан савдо қилиб келганларнинг ҳаммаси, уларнинг мамлакатларини уруш бошлаган қароқчилар бўлиб олмакчи бўлганларнинг ҳаммаси.

Биз ағдарилган подшоҳнинг Константинополни эгаллаш бўйича ағдарилган Керенский томонидан тасдиқланган маҳфий қелишувлари энди йиртиб ташлангани ва йўқ қилинганлигини эълон қиламиз. Россия республикаси ва унинг ҳукумати, Халқ Комиссарлари Совети бегона ерларни босиб олишга қарши.

Константинопол мусулмонлар қўлида қолиши керак. Биз Форсни бўлиш тўғрисидаги шартнома йиртиб ташлангани, йўқ қилинганлигини эълон қиламиз. Ҳарбий ҳаракатлар тўхташи билан қўшинлар Форсдан олиб чиқилади ва форсларга ўз тақдирини эркин белгилаш ҳуқуқи берилади.

Биз Туркияни бўлиш ва ундан Арманистонни "олиб қўйиш" тўғрисидаги битим йиртиб ташлангани ва йўқ қилинганлигини эълон қиламиз. Ҳарбий ҳаракатлар тўхташи билан арманларга сиёсий тақдирини эркин белгилаш ҳуқуқи берилади.

Куллик сизни Россиядан ва унинг инқилобий ҳукуматидан эмас, балки Европа империализмининг йирткичларидан, мамлакатларингизнинг бўлиниши учун ҳозирги уруш олиб бораётганлардан, ватанингизни таланган ва шилинган "мустамлака"сига айлантирганлардан қутмоқда».

Шундай қилиб, Совет давлатининг асосчилари унинг шаклланишининг бошида мусулмонларга "масжидлар ва намозхоналарни вайрон қилган, эътикод ва урф-одатларни оёқ ости қилган Россия қиролларига" қарши туриб, дин эркинлигини ваъда қилдилар.

"Сиз ўз мамлакатингизнинг ҳўжайини бўлишингиз керак! Сиз ўз ҳаётингизни ўзингизнинг суратингиз ва ўхшашлигингизда тартибга солишингиз керак. Бунга ҳақкингиз бор, чунки тақдирингиз ўз қўлингизда... Ўртоқлар! Биродарлар! Биз ҳалол демократик дунё сари қатъий ва шахдам қадамлар билан кетяпмиз. Биз ўз байроқларимиз билан дунёнинг мазлум халқларига озодлик олиб келаёмиз", деб ёзади Ленин ва Сталин ўз мурожаатларида, бунга жавобан Россия ва Шарк мусулмонларидан "ҳамдардлик ва қўллаб-қувватлаш" қутадиладар.

1917 йил 22 ноябрда матбуотда, "Правда", "Газета", "Известия" ва "Собрание

Ленин мусулмонларга нима ваъда килган эди?

Муаллиф:

08.09.2023 23:40 - Янгиланди 08.09.2023 23:51

Узаконений" сахифаларида "Россия ва Шаркнинг меҳнаткаш мусулмонларига мурожаат" эълон килинди. Кизиги шундаки, "Правда" ва "Известия" да мурожаат остида Иосиф Сталиннинг имзоси биринчи бўлиб, "Газета" ва "Собрание Узаконений" да, аксинча, Владимир Ленин номи биринчи ва факат кейин – Сталин келган.

РОБЕРТ КУРБАНОВ

Абу Муслим таржимаси